

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИДА ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Холиқов Ихтиёр Розикович*

*Бухоро давлат университети педагогика институти ҳарбий таълим факультети ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мазкур мақолада педагогик олий билим юртларида талабларнинг педагогик компетенциясини шаклланиши, касбий компетентциянинг шаклланишини таълим жараёни билан боғлиқлиги ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Компетент, педагог, компетенция, таълим.

**Кириш:** Олий таълим тизимида олиб борилаётган кескин ўзгаришлар, давлат томонидан таълим сифатига қўйилаётган талаблар, бўлажак педагог кадрлардан юқори билим, савия ҳамда кўникмаларни талаб қилади. Бироқ, яхши педагог учун фақатгина шу жиҳатларнинг ўзигина етарли эмас. Ҳар бир бўлажак педагогда компетентлик шаклланган бўлиши зарур. Бўлажак педагогларда компетентликни шакллантириш, ривожлантириш учун нималарга эътибор бермоқ керак?, бу каби саволларга мутахассислар кўплаб йиллардан бери жавоб излаб келишмоқда. Хўш, педагогик компетенциянинг ўзи нима? Шу саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

**Асосий қисм:** Педагогик компетенция-тизимли ҳодиса бўлиб, унинг моҳияти, ўқитувчининг педагогик билимлари, тажрибаси, хусусиятлари ва фазилатларининг тизимли бирлигидан иборат бўлиб, улар педагогик фаолиятни самарали амалга оширишга, педагогик мулоқот жараёнини мақсадли ташкил этишга, шунингдек, шахсни жалб қилишга имкон беради.

Бугунги кунда олий педагогик таълимга, яъни педагогика олий ўқув юртлари талабаларига, улар ўқишни якунлашда эга бўлиши керак бўлган компетенциялар рўйхатига (умумий, умумий касбий, касбий компетенциялар) алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Изланувчилар Андрюнина ва Э.В. Коротаяевларга кўра педагогика университетида шаклланган касбий компетенциялар, танланган касбга бўлган кадриятли муносабатни тарбиялайди, бу уни амалга ошириш мотивларидан биридир. Муаллифларнинг таъкидлашича, стандартга асосланиб, ўқув жараёнида, биринчи навбатда, ўқитиш йўналиши ва профилига кўпроқ мос келадиган касбий фаолият тури устунлик қилади. Шунинг учун педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун педагогик компетенция энг долзарб бўлиши керак.

Олий таълим тизимида билим олиш жараёнида адабиётларда кўрсатиб ўтилган усуллардан кенг фойдаланган ҳолда талабаларнинг педагогик компетенцияларини шакллантиришга эътибор қаратиш лозим бўлади. Ўрганилган адабиётлар асосида талабаларда педагогик компетенцияни шакллантиришнинг янги самарали усулларни аниқлаб таклиф қилиш зарур бўлади. Педагогнинг компетентлиги бу жуда мураккаб жараён бўлиб, ҳамма вақт ҳам намоён бўлавермайди. Компетентлик, биринчи навбатда инсон характери билан ҳам боғлиқ бўлиб, инсондаги бўлган характерлар асносида ўзини намоён этади. Шунинг учун ҳам педагогик компетенцияни биз, алоҳида ҳолатларда намоён этиладиган жараён сифатида қараймиз ва бу жараён олий таълим тизимида билим олиш билан биргаликда талабаларда шаклланиб боради. Педагогик компетенциянинг шаклланиши, бу тугалланмас, тўхтовсиз жараён бўлиб, олий таълим муассасида ўқиш жараёни тугагандан кейин ҳам шаклланиб сайқалланиб боради.

Айниқса, педагогинг профессионал фаолити давомида компетенциянинг шаклланиб, ривожланиши фаолроқ равишда амалга ошади.

**Хулоса:** Педагогика олий таълим муассасаси талабалида педагогик компетенцияни шакллантириш, замонавий мутахассис тайёрлаш талабларининг асосини ташкил қилади. Талабаларда педагогик компетенцияни шакллантириш бўйича қуйидаги принципларни таклиф қилиш мумкин:

- кетма-кетлик принципи, яхлитлик принципи, маданий мувофиқлик принципи, профессионал жихатдан мақсадга мувофиқлик принциплари. Таълим муассасида билим олиш жараёнида мазкур принципларга амал қилиш, талабаларда педагогик компетенцияни шаклланишига сабаб бўлади.

#### **Адабиётлар:**

1. Андрюнина А.С. Формирование ценностного отношения к профессии у будущих педагогов во внеучебной деятельности / А.С. Андрюнина, Е.В. Коротая // Педагогическое образование в России.- 2016.
2. XOLIKOV, IXTIYOR. "FEATURES OF CREATING EDUCATIONAL AND METHODOLOGICAL MATERIALS FOR DISTANCE LEARNING." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 6.6 (2021).
3. XOLIKOV, I. (2021). THE IMPORTANCE OF ARTISTIC LITERATURE IN THE MILITARYPATRIOTIC EDUCATION OF YOUTH. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 6(6).
4. XOLIKOV, I. (2021). ЗАХИРИДДИН МУХАММАД БОБУР ВАТАНПАРВАР САРКАРДА. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 6(6).
5. XOLIKOV, I. (2021). РЕЗЕРВДАГИ ВА ЗАХИРАДАГИ ОФИЦЕРЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ КАХРАМОНЛАРИМИЗНИНГ УРНИ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 6(6).
6. XOLIKOV, I. (2021). ОБ ОСОБЕННОСТЯХ КИНЕМАТИКИ МЕТАНИЯ ДИСКА С МЕСТА. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 6(6).
7. XOLIKOV, I. (2021). HARBIY VATANPARVARLIK TARBIYASIDA MILLIY QAHRAMONLARIMIZNING O'RNI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 6(6).
8. I.R.XOLIKOV. FORMATION OF PEDAGOGICAL SKILLS OF STUDENTS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Buxara 2022 y.
9. I.R.XOLIKOV. IMPROVING THE SYSTEM OF MILITARY EDUCATION FOR TRAINING
10. I.R.XOLIKOV. ROLE AND PLACE OF NATIONAL HEROES IN PREPARING RESERVE AND RESERVE OFFICERS IN THE SPIRIT OF PATRIOTISM. Fergana 2021 y.
11. I.R.XOLIKOV. ABOUT THE FEATURES OF THE KINEMATICS OF THE DISCUS THROW FROM A PLACE. Buxara 2020 y.
12. I.R.XOLIKOV. Z.M.BABUR PATRIOT COMMANDER. Tashkent 2021 y.
13. I.R.XOLIKOV. ENLIGHTENMENT CRITERIA FOR PEACE. Tashkent 2020 y.
14. Olimov, S. S., & Mamurova, D. I. (2021). Graphic Information Processing Technology and its Importance. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 10, 1-4.

15. Islomovna M. F. et al. DESIGNING THE METHODOICAL SYSTEM OF THE TEACHING PROCESS OF COMPUTER GRAPHICS FOR THE SPECIALTY OF ENGINEER-BUILDER //Journal of Contemporary Issues in Business & Government. – 2021. – T. 27. – №. 4
16. Olimov, S. S. (2021). The innovation process is a priority in the development of pedagogical sciences.
17. Toshtemirovna T. N. Education process directed to the person as the basis of increasing knowing activity of pupils //The advanced science open access journal. United states. – 2013. – №. 6. – C. 83-85.